

Азон билан иқоматнинг орасидаги дуо

14:05 / 20.12.2019 4128

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Азон билан иқоматнинг орасидаги дуо рад қилинмайди**», дедилар.

Абу Довуд, Насайй, Ибн Сунний ва Термизийлар ривояти.

Имом Термизийнинг ривоятларида қуйидаги жумла зиёда қилинган:

«Эй Расулуллоҳ, бу иккаласининг орасида нима деймиз?» деб сўрашди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳдан дунё ва охирадаги офият ни сўранглар**», дедилар».

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан